

Ўзбекистон Давлати ва ҳуқуқи асослари фанида мустақиллик дарсларини ўтиш

МАВЗУ: “Мустақиллик –бу ҳуқуқдир”

Дарс шиори: “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!”

Режа:

1. Собиқ СССРда 1991 йил 18 августдаги сиёсий воқеалар. Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг баёноти ҳамда унинг Ўзбекистон учун оқибатлари.

3. 1991 йил 20 август куни, Президент Каримовнинг Республика аҳолисига мурожаати.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг эълон қилиниши.

5. “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши. Қонуннинг мазмуни моҳияти.

6. Мустақиллик - бу энг аввало ҳуқуқ эканлиги.

Дарснинг мақсади:

Таълимий мақсад:

1. 1991 йил 18 августидаги СССР да сиёсий ҳаётнинг издан чиқиши сабаблари. СССР вице президенти Г.И.Янаев бошчилигидаги ўзини ГКЧП деб атаган бир гуруҳ авантюристларнинг мақсадлари. Президент Каримовнинг Республика аҳолисига мурожаатида ГКЧПнинг фаолиятига муносабатининг билдирилиши.

2. Давлатимиз раҳбари муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги йўлидаги машаққатли ҳаракатлари ҳақида.

3. “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун моҳияти ҳақида маълумот бериш.

4. Мустақиллик йилларида халқимиз томонидан эришилган ютуқлар.

Тарбиявий мақсад:

1. Мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқлиги. Уларнинг барчаси тинимсиз курашлар, қийинчилик ва йўқотишлар, уйқусиз тунлар, изланиш ва изтироблар, мунозара ва муҳокамалар, изланиш ва яратилишлар, баъзида ўта изтиробли, баъзида қувончли, интилишлар маҳсули эканлиги.

2. Мустақилликнинг мазмун-моҳияти. Мустақиллик – халқимизнинг асрий орзуси эканлиги.

Ривожлантириб борувчи таълим

1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси эканлиги.

Асосий тушунча ва атамалар

Фавқуллода ҳолат давлат комитети, ўзликни англаш, қонуний тасарруф, иттифоқ шартномаси, федерация, конфедерация, иқтисодий стратегия, молия, кредит соҳаси, ташқи иқтисодий фаолият, халқ ҳокимияти, ҳуқуқ, миллий давлатчилик, давлатнинг моддий асоси, хусусийлаштириш.

Дарс жиҳози

Дидактик жиҳози.

Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” номли китоби. Ватман, скотч, рангли маркерлар, (дарснинг методидан келиб чиққан ҳолда бошқа девонхона буюмлари)

8-синф “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари” дарслиги.

Мавзуга оид расмлар.

Техник жиҳози.

Компьютер, видео проектор, “Мустақиллик арафасида ёхуд, Шўроларнинг сўнги талвасаси” ҳужжатли фильми.

Мавзу асосида тайёрланган.

Дарснинг усули.

Савол-жавоб, диспут, муҳокама (ушбу усулни ўқитувчи мактаб имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танлаши мумкин).

Дарснинг ташкилий қисми

Дарсни ташкил қилиш	Давоматни аниқлаш, ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини кўздан кечириш	3 дақиқа
Ўқувчиларни фаоллаштириш	Дарснинг дидактик жиҳозлари орқали ўқувчиларга саволлар бериш, уларнинг диққатини жамлаш ва ҳ.к.	15 дақиқа
Мавзуни ёритиб бериш	Маъруза. Ўқувчилар томонидан билдирилган фикрларни тўғри йўналтириш. Мавзуни очиқ бериш	20 дақиқа
Дарсни якуни	Ўқувчиларни билимини баҳолаш, уйга вазифа	7 минут

Дарснинг бориши

Ўқувчиларни фаоллаштириш учун ўқитувчининг саволлари



1. Сиз нима деб ўйлайсиз, инсоннинг бирламчи ҳуқуқи нима?
2. “Таълим олиш”, “Малакали тиббий ёрдам олиш”, “дам олиш” ҳуқуқи деганда нималарни тушунасиз?
3. “Мустақиллик” сўзини қандай тушуниш мумкин? Юқоридаги расмларда қандай ўзаро боғлиқлик бор?
4. Мустақиллик тугайли қандай ҳуқуқларга эга бўлдик?
5. Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини ким кафолатлайди?

6. “Мустақиллик арафасида ёҳуд, шўроларнинг сўнги талвасаси” ҳужжатли фильмидан “1991 йил 17 август Президент Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга расмий ташифи...” деб бошланадиган лавҳадан “Халқимиз Ислом Каримов бошчилигида ўзининг асрий орзуси Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақиллиги сари қатъият билан интилди” деган (39.00 дақиқадан – 52.35 дақиқача) лавҳача қўйилади. Ўқитувчи ўқувчиларни муносабат билдиришларини сўрайди.

Ўқитувчи ўқувчиларни билдирган муносабатларини диққат билан тинглайди, ҳамда умумлаштириб, куйидагилар ҳақида маълумот беради.

1991 йил 18 августда СССР да сиёсий ҳаёт издан чиқди. СССР вице президенти Г.И. Янаев бошчилигидаги ўзини ГКЧП деб атаган бир гуруҳ авантюристлар М.Горбачев бошчилигидаги қонуний ҳокимиятни ағдариб, давлат тўнтаришини содир этишди. Фавқулотда ҳолат давлат комитетининг баёноти эълон қилинди ва СССРда 6 ой муддатга фавқулотда ҳолат жорий қилинди. ГКЧПнинг қарорлари совет иттифоқининг бутун ҳудудида мажбурий деб эълон қилиниб, жамики бошқарув идораларининг оғишмай амал қилиши мажбурий қилиб белгиланди. Ушбу ноқонуний қарорларни Ўзбекистонда ҳам қўллаб қувватлайдиганлар ҳам топилди. Ҳиндистон сафаридан муддатидан олдин қайтган Ислом Каримов ГКЧПни ноқонуний қарорларини бекор қилди. Шу билан бирга 1991 йил 20 август куни Президент Каримовнинг Республика аҳолисига мурожаати эълон қилинди.

Унда ГКЧПнинг фаолиятига муносабат билдириб, Ўзбекистон аҳолисини оғир ва вазмин бўлишга чақирди, ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадларимиздан қайтмаслигимизни таъкидлади.

1991 йил 29 август куни Ўзбекистон ССР Президентининг мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб, Совет иттифоқи коммунистик партиясининг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги бутун мулкани республика мулки, яъни умумхалқ мулки деб белгиланган фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси ўзининг суверенитетига эга бўлди.

“Суверенитет” сўзи конституциявий ҳуқуқда алоҳида аҳамиятга эга атама бўлиб, унинг негизида мустақиллик, ҳуқуқ ва эркинликка бўлган соҳиблик, ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятининг мавжудлиги, дахлсизлик, бўлинмаслик каби тушунчалар ётади.

Адабиётларда “давлат суверенитети” ва “халқ суверенитети” тушунчалари мустақил ва бўлинмаслик табиатини белгиловчи омил сифатида давлат ва халққа тегишли ҳуқуқни назарда тутди. Кишилиқ жамияти ривожининг муайян босқичига келиб, ўзини англаган халқгина давлатчилик пойдеворини яратган. Бундай салоҳиятдан бизнинг халқимиз ҳам бебаҳра қолмаган.

Мустақиллик – бу сўз азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида мужассам этган. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гултожи сифатида ҳамиша озодлик ва хурриятга интилиб яшайди. У ҳар жиҳатдан ўзини эркин ҳис қилишга, тинч-осойишта турмуш кечиришга эҳтиёж сезади.

Ўзбек халқи тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигига эга бўлди.

Мазкур асрга татигулик бўлган тарихий воқеанинг амалга ошишида ўша даврдаги СССР деб аталган катта бир империянинг сиёсатига қарши чиқа олган давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ўрни бекиёсдир.

Ислом Каримовнинг саъй ҳаракати билан халқимиз мустамлакачилик давридаги азоб-уқубатлардан, хўрлик ва камситишлардан қутулди.

Жаҳон ҳаритасида Ўзбекистон деган янги давлат пайдо бўлди. Давлатимиз ўзининг ички ва ташқи сиёсатини ўзи мустақил амалга ошириш имконияти эга бўлди. Мустақиллик бизга асрлар давомида халқимиз томонидан асраб авайлаб келган, мустамлакачилик даврида нураб, кўланкага айланиб бораётган миллий ва маънавий қадриятларимизни қайтариб берди

Ҳужжатли фильмдан лавҳа. *“Мамлакатимиз мустақиллигининг эълон қилиниши турган гапки собиқ марказдаги кучлар ва уларнинг юртимиздаги тарафдорлари томонидан” деб бошланадиган лавҳадан “Бунга бутунлай қаршиман деб қатъият билан жавоб бердилар” деган (52.39 - 01-02-13) лавҳагача.*

Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида собиқ марказдаги амалпараст кучлар Президент Ислом Каримовга қарши пухта ўйланган сиёсий фитна тайёрладилар. Ислом Каримовнинг қатъий позицияси ва бутун халқимиз манфаатига мос ҳаётий таҳлиллар орқали депутатларни сохта ваъдаларга учмасликларига ишонтира олганликлари сабабли ушбу сиёсий фитнанинг олди олинди ва мустақиллик сақлаб қолинди. Бу Президент Ислом Каримовнинг яна бир буюк маънавий жасорати эди.

1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Давлатимизнинг асосий қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Ўзбекистон суверен демократик

республика” эканини эълон қилувчи ва қонуний мустаҳкамловчи муҳим қоидадан бошланади.

Фақатгина мустақил – суверен давлатгина ўзининг фуқаролари ва ўз худудида яшаётган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ва ҳар томонлама таъминлай олади. Давлатимизнинг худуди ва иқтисодий қудрати бўлинмас, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб, давлт ҳимоясидадир.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш, таъминлаш давлатимизнинг асосий вазифалари қаторига киради. Шу мақсадда давлатимизнинг асосий қонунида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” деб таъкидлаб ўтилган.

Агар давлат мустақил бўлмас экан, инсонларнинг ҳуқуқларини кафолатли таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари мустақиллик сўзига “Мустақиллик - бу энг аввало ҳуқуқдир”, - деб, таъриф бердилар.

Уйга вазифа

Савол ва топшириқлар.

1. “Ҳуқуқий маданият” деганда нимани тушунасиз ? “Давлат сиёсатига кўтариши” иборасининг маъносини тушунтириб беришга ҳаракат қилинг.
2. “Мустақиллик” сўзининг лугавий маъносидан келиб чиқиб, халқнинг ҳуқуққа эга бўлишининг аҳамиятини тушунтириб беринг.
3. Конституциянинг 14-моддаси моҳиятини изоҳлаб беришга ҳаракат қилинг. Ижтимоий адолат деганда сиз нимани тушунасиз? Бу саволга жавоб беришда сиз “ижтимоий” сўзининг лугавий маъносидан фойдаланишга ҳаракат қилинг. “Қонунийлик” ибораси сизга нимани англатади.

4.Шарҳланг!

“Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”.

5. Инсонга мустақиллик нима учун керак?

6. Қуйидаги жавобларни берилган матндан фойдаланиб, ўз ўрнига қўйиб дафтарингизга кўчиринг.

1. Суверенитет	А) бировга қарам бўлмаган, ўз ихтиёри билан ҳаракат қилишга қобил, озод ва эркин инсон, халқ, давлат фаолиятининг моҳиятини ифода этади.
2. Мустақиллик	Б) Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилди.
3. Империя	С) давлатнинг ички ва ташқи сиёсатда мустақиллиги.

4. 1990 йил 20 июнда	Д) лотинча сўз бўлиб, мутлақ, яъни чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган, ўз таъсирига кўплаб мамлакат ва халқларни мажбуран тутқунликда сақлаб турган йирик тажовузкор давлат.
5. 1991 йил 31 август куни -	Е) Ўзбекистон Республикаси “Мустақиллик Декларацияси” эълон қилинди.

Намуна. 4-С,

7. Тушириб қолдирилган сўзларни ўз жойига қўйиб ёзинг.

1989 йил 21 октябрда Ўзбек тилига(Давлат тили) мақоми берилди.

1990 йил 24 март(Ўзбекистон Республикасида. Президентлик) лавозими жорий этилди.

1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикасининг(Мустақиллик Декларацияси) эълон қилинди.

1991 йил 31 август куни(“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асоси тўғрисида”ги) қонуни қабул қилинди.

Ўқувчилар билимини баҳолаш.

Тузувчи:

Ижтимоий, иқтисодий билим асослари
ва маънавий-маърифий ишлар бўлими
бошлиги Н.Исмамова